



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 15 ноябрь, № 237 (7467)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАҲОН БОЖХОНА ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 ноябрь куни Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастурининг вазирлар даражасидаги конференциясида иштирок этиш учун Тошкент шаҳрида бўлиб турган Жаҳон божхона ташкилоти бош котиби Кунио Микурияни қабул қилди.



Учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизнинг Жаҳон божхона ташкилоти билан конструктив ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Ўзбекистон 1992 йилдан буён ушбу нуфузли халқаро тузилма аъсосидир. Ўтган даврда юртимиз божхона органларининг ҳуқуқий базасини шакллантириш, инфратузилмасини модернизация қилиш ва

самарадорлигини ошириш бўйича қўшма тadbир ва лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди. Кейинги йилларда, аввало, божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш, малакали кадрларни, жумладан, ташкилотнинг Брюсселдаги бош қароргоҳи негизда тайёрлаш каби йўналишларда ўзаро алмашинувлар сезиларли фаоллашгани кузатилмоқда. Учрашувда халқаро стандартлар-

ни жорий этиш асосида божхона органлари салоҳиятини ошириш, божхона масканларини замонавий комплекс ва ускуналар билан жиҳозлаш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашни кучайтириш, хориждаги етакчи марказларда мутахассислар тайёрлаш борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди. Ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича «Йўл харитаси»ни

биргаликда ишлаб чиқиш ва тез фурсатда қабул қилишга келишиб олинди. Жаҳон божхона ташкилоти бош котиби самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий янгиланишларнинг натижадорлигини, шунингдек, Марказий Осиёда яхши қўшничилик ва шерикликни мустаҳкамлашга қaratилган сиёсатни юксак баҳолади.

Кунио Микурия ташкилот бундан буён ҳам мамлакатимиз божхона органларини ислоҳ қилишни давом эттириш ва минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш борасида фаол қўмақлашишга тайёр эканини таъкидлади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2020 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни Белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида

2020 йилда фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш, дам олиш ва байрам кунларидан оқилонга фойдаланишини таъминлаш мақсадида:

1. 2020 йилда 23 март — душанба қўшимча дам олиш кунини этиб белгилаш.
2. 2020 йилда куйидаги дам олиш кунларини кўчирилсин:
4 январь — шанба 2 январь — пайшанба;
29 август — шанба 31 август — душанба.
3. Белгилаб қўйилсинки:

2020 йил 2 январь пайшанба ва 2020 йил 31 август душанба кунини барча ходимлар учун иш ҳафтасининг туридан қатъи назар, дам олиш кунини ҳисобланади;

бюджет ташкилотларида ушбу Фармоннинг 1-бандида белгиланган қўшимча дам олиш кунини ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини бир иш кунига қисқартириш ҳисобига қопланади;

ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланмайдиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинмади, унга ушбу Фармонда белгиланган қўшимча дам олиш кунини қўшилиши; ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлиги қисқартириш ҳисобига олинган ҳолда ўн беш иш кунидан кам бўлмағлиги керак;

бюджет ташкилоти ҳисобланмаган ташкилотларда ушбу Фармоннинг 1-бандида қўшимча дам олиш кунини меҳнат таътилга қўшимча бошқа кунлар билан бир қаторда, молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, жамоа шартномалари ёки иш берувчилар томонидан қўшимча уюшмаси кўмиталари билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал норматив ҳужжатларда белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, "Uzbekistan Airways" АЖ ва "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда байрам (ишланмайдиган) кунларнинг узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, республика аҳолиси учун ички туризм ва фаол дам олиш йўналишларини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари учун чегирмалар берилишини ҳамда акциялар ўтказилишини ташкил этсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари: аҳолининг узайтирилган байрам (ишланмайдиган) кунларида мароқли ва фойдали дам олишини ташкил этиш бўйича тизимли чоралар кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда байрам кунлари ўтказиладиган тadbирлар тўғрисида аҳолини кенг хабардор қилишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига: меҳнат жамоалари ўртасида ушбу Фармоннинг мақсади, мазмун-моҳияти тўғрисида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

узайтирилган байрам кунларида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг мароқли дам олишини таъминлаш юзасидан касаба уюшмалари ташкилотларининг ишини фаоллаштириш тавсия этилсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомидинов зиммасига юклансин.

Кунио МИКУРИЯ: ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШДАН МАНФААТДОРМИЗ

Жаҳон божхона ташкилоти бош котиби Кунио Микурия Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувдан сўнг божхона соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш ва ўзаро алмашинувларни фаоллаштириш юзасидан ўз фикрларини баён этди.

— Президент жаноблари билан мулоқотда жуда муҳим масалаларни муҳокама қилдик. Шавкат Мирзиёев савдони кенгайтириш аҳамиятига алоҳида урғу бериб, бу борадаги сиёсатни глобал стандартларга мувофиқ давом эттириш муҳим эканини таъкидлади. Бундан ташқари, инсон ресурсларини ривожлантиришнинг долзарб

масалалари ҳусусида фикр алмашилди. Мен бу борада жаҳондаги илғор амалиётларни баён қилдим. Пировардида, Ўзбекистон божхона хизматини ривожлантириш билан боғлиқ қўшма дастур ва лойиҳаларни фаол давом эттиришга келишиб олдик.



Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади

Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.



Қайд этилганидек, Президентимизнинг 2018 йил 22 августдаги "Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, бюджет маълумотларининг очиқлигини янада ошириш мақсадида бюджет маблағлари шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ҳамда жоматчилик назоратини ўрнатишнинг янги тартиби белгиланган. Унга кўра, парламент тари-

ҳида биринчи марта Давлат бюджети қонун тарихида қабул қилинмоқда. Мамлакат стандартларга мувофиқ тарзда этиш амалиётида илк бор "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳамда 2020 — 2022 йилларда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари прогнози берилган.

Парламентга тақдим этилган бюджет тўғрисидаги қонун лойиҳасида ҳамда Бюджетно-

мада аҳоли ва ташқи ҳамкорларимизга мамлакат бюджети ҳолати очиқ-ойдин, халқаро стандартларга мувофиқ тарзда кўрсатилган. Унда фискал курсаткичларга таъсир этувчи асосий ташқи ва ички омиллар, 2020 — 2022 йилларга оид солиқ-бюджет сиёсатининг стратегияси, 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Давлат бюджети ва давлат мақсади жағғармалари бюджетлари параметрлари каби масалалар ўз аксини топган.



БЮЛЛЕТЕНЬ ШАКЛИ ВА МАТНИ ҚАЙ ТАРТИБДА ТАСДИҚЛАНАДИ?



Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. МСК Раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов олиб борган ушбу мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари ва маҳаллий Кенгашлар депутatlари сайловига доир бюллетень шакли ҳамда матнининг намунасини тасдиқлаш, ОАВ вакиллари аккредитациядан ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

«Сайлов — 2019»

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Қонунчилик палатаси депутatlари сайлови доир сайлов бюллетени шакли ва матни Марказий сайлов комиссияси, маҳаллий Кенгашлар сайлови доир сайлов бюллетени шакли ва матни вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланади.

Номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми сайлов бюллетенига унинг турилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулоти) тури, иш жойи ва уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партия кўрсатилган ҳолда алифбо тартибда киритилади.

Сайлов бюллетенида уни тўлдирish тартиби тўғрисидаги тушунтириш бўлиши керак. Бюллетенлар давлат тилида, шунингдек, округ сайлов комиссияси қарори билан тегишли округ аҳолисининг кўпчилиги сўзлашадиган тилларда нашр этилади. Сайлов бюллетенлари Брайль

алифбоси асосида тайёрланиши мумкин. Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини овоз бериш кунига, жумладан, муддатидан олдин овоз бериш кунига камида уч кун қолганида округ сайлов комиссияларидан олади. Сайлов бюллетенларининг топширилганлиги ҳамда қабул қилинганлигини округ ва участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби тегишли ҳужжатда ўз имзоси билан тасдиқлайди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2019 йил 14 ноябрь

